ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРМУРОДОВА НОЗЛИЯ ЗАРИЛОВНА

ИНГЛИЗ БАДИИЙ ДИСКУРСИДА АНТРОПОЦЕНТРИЗМНИНГ ЛИСОНИЙ ВОҚЕЛАНИШИ

10.00.04. – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УДК: 811.111'42

Филология фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of the doctoral (DSc) dissertation

Нормуродова Нозлия Зариловна
Инглиз бадиий дискурсида антропоцентризмнинг лисоний вокеланиши 3

Нормуродова Нозлия Зариловна
Вербальная экспликация антропоцентризма в англоязычном художественном дискурсе 33

Normurodova Nozliya Zarilovna
Verbal Explication of Antropothentrism in Literary Discourse 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 74

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРМУРОДОВА НОЗЛИЯ ЗАРИЛОВНА

ИНГЛИЗ БАДИИЙ ДИСКУРСИДА АНТРОПОЦЕНТРИЗМНИНГ ЛИСОНИЙ ВОҚЕЛАНИШИ

10.00.04. – Европа, Америка ва Австралия халклари тили ва адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Филология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 30.06. 2015/B2015.2.Fil347 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг вебсаҳифасида (nuu.md.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Ашурова Диляром Умаровна** филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Сафаров Шахриёр Сафарович** филология фанлари доктори, профессор
	Бакоева Муҳаббат Каюмовна филология фанлари доктори, профессор
	Маслова Валентина Аврамовна филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «17» ноябрь куни соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Ғоробий кўчаси, 400-уй. Тел.: (99871) 246-08-62, факс: (99871) 246-65-21, e-mail: nauka@nuu.uz). Ўзбекистон миллий университети, Хорижий филология факультети (1-қават, 112-аудитория).

Диссертация билан Ўзбекистон миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 17 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Ғоробий кўчаси, 400-уй. Тел.: (99871) 246-08-62; (99871)246-67-71.

Диссертация автореферати 2020 йил «28» октябрь да тарқатилди.

(2020 йил «28» октябрдаги 9 рақамли реестр баённомаси.)

А.Г.Шереметьева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

Г.С.Курбонова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

И.А.Сиддикова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол. ф.д., профессор

КИРИШ (филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги даврда жаҳон тилшунослиги ўз ёндашувлари ва қарашларини янги парадигмалар (ўлчовлар) асосида ривожлантириш йўлидан бормоқда. Бу жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнлари тилшунослик тараққиётига ўз таъсирини ўтказаётгани билан белгиланади. Шундай ёндашувларнинг энг эътироф этилгани инсон омилини тадқиқ этиш билан боғлиқдир. Антропоцентрик тилшунослик айни инсон омилини ўрганишни марказий ўринга қўяр экан, турли матн турлари, хусусан, бадиий матн тадқиқида сўзловчининг интенцияси ва мотивини тадқиқ этишга бош вазифа сифатида қарайди. Шу жараёнда муаллиф ва персонаж муносабатидаги лисоний воситаларни аниқлаш ҳамда таснифлаш, шунингдек, матннинг зоҳирий ва ботиний структурасида уларни қайта намоён қилиш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Антропоцентризмнинг тилда воқеланиши ҳодисасини инглиз бадиий дискурси мисолида когнитив-дискурсив жиҳатдан ўрганиш бу ҳодисанинг муаллиф ва персонаж дискурсив шахсиятида нечоғли намоён бўлишини батафсил кўрсатиш имконини яратади.

Дунё тилшунослигида инсон омилини тадқиқ қилишда фундаментал ишлар амалга оширилмоқда. Уларда инсон омилининг бадиий дискурсда воқеланишига когнитив-дискурсив хусусиятларидан келиб чиқиб умумий ёндашув устуворлик қилади. Айни чоғда, муаллиф ва персонаж дискурсив шахсиятининг лисоний воқеланиши ҳодисасини тўлиқ очиб бериш антропоцентризмнинг вербал маркерларини ўрганиш оркалигина амалга ошиши мумкин. Шу нуқтаи назардан мазкур муаммони тадқиқ этиш тадқиқотимизнинг долзарблигини билдиради. Антропоцентрик ёндашувда бадиий дискурсни ўрганиш уни лингвоперсонология, матн лингвистикаси, коммуникатив тилшунослик, когнитив тилшунослик, лингвоконцептология, дискурсив лингвистика ва лингвокультурология нуқтаи назаридан комплекс, фанлараро таҳлил қилишни назарда тутади. Шундай экан, дискурсив шахс муаммосини ўрганиш муҳим назарий аҳамиятга эгалиги ҳамда бу муаммога тилшуносликнинг янги йўналишлари доирасида етарли эътибор қаратилмаганлиги ушбу тадқиқотни амалга ошириш заруратини кўрсатади.

Ўзбекистон жаҳон цивилизациясининг таркибий қисми ўлароқ, илм-фан интеграциясидан холи бўла олмайди. Шу жиҳатдан, дунё тилшунослигида пайдо бўлган янги ёндашувлар натижасида инсон омилини «тил-инсон-мулоқот», «тил-инсон-тафаккур», «тил-инсон-маданият» призмасида кўриб чиқиш ёки бир сўз билан айтганда «тил ва ижтимоий ҳаёт» муаммоси ўзбек тилшунослигига ҳам тадқиқотлар кўлами ва доирасини кенгайтиришга имкон берди. Ўзбек олимлари томонидан антропоцентризм доирасида когнитив тилшунослик, лингвопрагматика ва лингвомаданиятшунослик масалаларини ёритувчи кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилди, концептлар назарияси, интертекстуаллик, фреймли семантика, матнинг антропоцентрик тадқиқи, илгари суриш назарияси доирасида чуқур изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, инглиз тилининг халкаро мулоқот тили сифатида ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига кириб келаётгани ижтимоий муаммоларни хорижий тиллар контекстида ўрганиш истиқболларини белгилаб берди. Антропоцентризм шахс маънавияти тушунчаси билан узвий боғлиқ. «Тил

ва ижтимоий ҳаёт» муаммоси ёш авлоднинг маънавий-ақлий салоҳиятини юксалтириш ва дунёқарашини кенгайтиришда катта аҳамият касб этади. Зотан, «нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак»[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятларга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу илмий тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шархи[2].

Антропоцентризм ва қисман дискурс бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Cambridge University, Lancaster University, University of Edinburgh (Буюк Британия), Barcelona University (Испания), University of Toronto (Канада), University of Copenhagen (Дания), University of Edinburgh (Шотландия), NyuYork University, Ohio State University (АҚШ), Vrije Universiteit Brussel (Бельгия), University of Bern (Швейцария), Oxford University (Буюк Британия), Afyon Kocatepe University (Туркия), Caen University (Франция), Jamia Millia Islamia University, New Delhi (Ҳиндистон), Москва давлат лингвистика университети, Москва педагогика давлат университети, РФА Тилшунослик институти (Россия), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида (Ўзбекистон)[3] илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.01.2020 й. Электрон манзили https://uza.uz/ru/politics/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-25-01-2020.

[2] Диссертация бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шархи https://www.cam.ac.uk/, https://lancastersu.co.uk/, https://www.ub.edu/web/ub/en/, https://www.utoronto.ca/, https://www.niche.com/colleges/new-york-university/, https://www.vub.be/en/home, https://aku.edu.tr/anasayfa/eng/index.htm, https://www.ku.dk/english/, https://linguanet.ru/en/ ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди

[3] Маълумотлар университетларнинг веб-сайтларидаги материаллар асосида тақдим этилди https://uzbek.org.uk/usuwl/, http://www.navoiy-uni.uz/en/site/index

Жаҳон тилшунослигида антропоцентризм, фанлараро алоқадорлик ва дискурс масалалари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: когнитив тадқиқотларнинг фанлараро боғлиқлик хусусияти ўрганилган (Cambridge University), дискурснинг когнитив, прагматик ўзига хосликлари аниқланган (Lancaster University, University of Edinburgh), дискурс прагматик интенцияларининг ўзига хосликлари ўрганилган (Barcelona University), дискурснинг социолингвистик аспектлари кўриб чиқилган (University of Toronto), дискурснинг фанлараро характери ўрганилган (University of Copenhagen), University of Edinburgh), танқидий дискурс-таҳлилнинг тил маркерлари таҳлил қилинган (Ohio State University), танқидий дискурс-таҳлилнинг тамойиллари белгиланган (Vrije Universiteit), University of Bern), тилнинг ҳаракатдаги ўзига хосликлари ўрганилган (Oxford University); бадиий дискурс таҳлили ўтказилган (Afyon Kocatepe University), дискурсдаги дейктик элементлар кўриб чиқилган (Caen University), бадиий дискурсдаги прагматик йўналишлар белгиланган (Jamia Millia Islamia, A Central University, New Delhi); лисоний шахснинг лингвомаданий жиҳатлари кўриб чиқилган (Москва давлат лингвистика университети), матннинг прагматик структурасида антропоцентризмнинг хусусиятлари таҳлил қилинган (Москва педагогика давлат университети), антропоцентризм нуқтаи назаридан дискурс ва лисоний шахснинг ўзаро алоқадорлиги ўрганилган (РФА Тилшунослик институти), когнитив стилистика масаласи кўриб чиқилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети).

Бугунги кунда дунё тилшунослиги ривожланиши контекстида антропоцентризм соҳасига доир қуйидаги устувор йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда: лингвоперсонология, дискурсология, танқидий дискурс, дискурсив стилистика, когнитив лингвистика, лингвопрагматика, лингвокультурология, когнитив стилистика, коммуникатив лингвистика, синергетика, гендер лингвистикаси, теолингвистика. Бадиий дискурснинг яратилиш,тушунилиш ва талқин қилиш жараёнларида инсон омили ва атрофдаги борлиқнинг ўзаро таъсири муаммолари призмасида ўрганишга доир фанлараро мажмуавий ёндашув мазкур барча йўналишларни ўзаро боғлаб туради. Хусусан, лингвоперсонологияга доир антропоцентрик ёндашув доирасида семантик-стилистик, когнитив, прагматик ва маданий хусусиятларнинг дискурсив шахс билан мустаҳкам алоқадорликдаги муносабатлари масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бадиий матн ҳамда дискурсга фанлараро ва антропоцентрик ёндашув масаласи бир қатор хорижий ва маҳаллий олимлар: П.Вердонк, А.Вежбицкая, Т.А. ван Дейк, Дж. Лакофф, Г.Лич[4], Н.Ф. Альфиренко, Н.Д. Арутюнова, И.В.Арнольд, Н.Н. Болдырев, И.Р. Гальперин, А.В. Карасик, Ю.Н.Караулов, Е.С. Кубрякова, В.А. Маслова, Е.В. Падучева,

[4] Verdonk P. Stylistics. Oxford Introductions to Language Study Text. – Oxford University Press, 2002. – 124 p.; Вежбицкая А. Понимание культур через посредство ключевых слов. – М.: Языки славянской культуры, 2001. – 288 с.; Van Dijk T.A. and Kintsch W. Strategies of Discourse Comprehension. – New York: Academic Press, 1983 – 225 p.; Lakoff G. Metaphors We Live by. – Chicago.: Univ. of Chicago Press, 1980. – 456 p.; Leech N. Style in Fiction. – Nyu York.: Longman, 1981. – 325 p.

Ю.С. Степанов, В.Н. Телия[5], Д.У. Ашурова, Н.М. Маҳмудов, Ш.С. Сафаров, Р.С. Сайфуллаева, М.И. Расулова, А.Э. Маматов, Х.И. Исламджанова, Д.Э. Лутфуллаева, Д.С. Худойберганова, М.Р. Галиева, Н.М. Джусупов ва бошқаларнинг илмий ишларида ишлаб чиқилган[6].

Тилшунослик соҳасида тил орқали шахсни, унинг дунёқарашини ўзгартириш имкониятлари А.А.Потебня, Л.В.Щерба, Г.О. Винокур, Б.А.Лариннинг илмий ишларида қайд қилинган[7]. Тил шахси структураси (тузилиши) рус тили мисолида Ю.Н.Карауловнинг ишларида анча муфассал тавсифланган. Мазкур ишнинг тил шахси структурасига боғлиқ айрим жиҳатлари (бизнинг ҳолатда дискурсив шахс – ДШ) ишимизнинг дастлабки назарий асослари сифатида хизмат қилди. Хориж тилшунослигида ДШ масаласи асосан психолингвистик аспектда кўриб чиқилган[8].

Антропоцентризм муаммоси диссертация доирасида махсус таҳлилга тортилган бир қатор илмий тадқиқотлар мавжуд. Жумладан, замонавий рус лексикографиясида антропоцентризмнинг намоён бўлиши, антропоцентризм парадигмасида инсон омили, бадиий матн антропоцентризми унинг лексик структурасини ташкил топтирувчи тамойил сифатида ўрганилган. Шунингдек, фразеологияда антропоцентрик ва аксиологик аспектларнинг намоён бўлиши,

---

[5] Алефиренко Н.Ф. Поэтическая энергия слова: синергетика языка, сознания и культуры. – М.: Academia, 2002 – 322 с.; Арнольд И.В. Стилистика. Современный английский язык: Учебник для вузов. 5-е изд., испр. и доп. – М.: Флинта: Наука, 2002. – 384 с.; Арутюнова Н.Д. Дискурс // БЭС. Языкознание. 2-е (репринтное) изд. «ЛЭС» / Главн. ред. В.Н. Ярцева. М.: Научное изд-во «Большая Российская энциклопедия», 2000. – С. 136-137; Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования – М.: Наука, 1981. –139 с.; Кубрякова Е.С. Язык и знание. На пути получения знаний о языке. Части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира. – М.:Языки славянской культуры, 2004. – 560 с.; Карасик В. И. Этнокультурные типы институционального дискурса // Этнокультурная специфика речевой деятельности: сб. обзоров. М.: ИНИОН РАН, 2000. – С.37-64; Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Издательство ЖИ, 2007. – 264 с.; Кубрякова Е.С. О термине «дискурс» и стоящей за ним структуре знания // Язык. Личность. Текст: Сборник к 70-летию Т.М. Николаевой / / Ин-т славяноведения РАН; Отв. ред. проф. В.Н. Топоров. М.: Языки славянских культур, 2005. – С.23-33; Маслова В.А. Современные направления в лингвистике. – М.:РУДН, 2008. – 220 с. (эл. Вар.www.books.gumer bibliotec); Степанов Ю.С. Константы: Словарь русской культуры. – 3-е изд.исп. и доп. – М.: Академический Проект, 2004. – 992 с.; Телия В.Н. Метафора и ее роль в создании русской языковой картины мира // Роль человеческого фактора в языке. Язык и картина мира. – М.: Наука, 1982. – С. 173–205.

[6] Ашурова Д.У. Стилистика в свете когнитивной теории языка//Ўзбекистонда хорижий тиллар/Илмий методик электрон журнал. – Т.,2018. – №2 (21); Галиева М.Р. Теолингвистика: истоки, направление, перспективы. (монография) – Т:.VneshInvestProm, 2018. – 258 с.; Джусупов Н.М. Когнитивно-стилистический аспект выделения слова (на материале англий. яз.) // Преподавание языка и литературы. – Ташкент, 2010. – № 3. – С. 31-40; Исламджанова Х. Обнаружение говорящего в высказывании (на материале русского языка): Автореф. дис. … док.филол.наук / Х. Исламджанова. – Ташкент, 2000. – 32 с.; Маматов, А. Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? / А. Э. Маматов // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (проф. А. Нурмонов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материаллари). – Андижон, 2012. – Б. 56-64; Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – №3. – Б. 19-24; Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб...// Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2012. – № 5. –Б. 3-16; Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – №3. – Б. 19-24; Расулова М.И. Основы лексической категоризации в лингвистике. – Т:. Фан, 2005. – 267 с.; Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г. ва б. Ҳозирги ўзбек тили. – Т.: Фан ва технология, 2009. – 416 б.; Сафаров Ш. С. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор нашриёти, 2006. – 92 б.; Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик талқини. Монография. – Тошкент: Фан, 2013. – 136 б.

[7] Потебня А.А. Эстетика и поэтика. – М.: Искусство, 1976. – 614 с.; Щерба Л.В. Избр. работы по русскому языку. – М.: Учпедгиз, 1957. – 188 с.; Винокур Т.Г. Говорящий и слушающий: Варианты речевого поведения. 2-е изд., стереотипное. – М.: КомКнига, 2005. – 176 с.

[8] Маслоу У.Г. Мотивация и личности (перевод с английс. А.М.Татлыбаева) - СПб. Евразия, 1999. – 479 с.; Erikson E Linguistic Identity and the Limits of Global English// Globalization: English and Language Change in Europe, ed. by Anna Duszak and Urszula Okulska, Frankfurt, Berlin, Bern, Brussels, New York & Oxford: Peter Lang, 2004. – P. 44-58.

юмористик дискурс антропоцентризми каби муаммоларни таҳлил доирасига тортилган[9].

Бугунги кунда ўзбек олимлари томонидан антропоцентризм доирасида когнитив тилшунослик, лингвопрагматика ва лингвомаданиятшунослик масалаларини ёритувчи илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, концептуаллаштириш ва категориялаш, концептлар назарияси, интертекстуаллик, лисоний шахс, фреймли семантика, илгари суриш назарияси доирасида олиб бораётган илмий ишлари бунинг яққол далилидир. Ўзида миллат руҳини, унинг ўтмиши, бугуни ва эртасини акс эттирган она тилимизнинг ҳадсиз ифода ва истифода имкониятларини очиб бериш бугун ҳар қачонгидан кўра долзарб. Шу маънода кейинги йилларда тилни унинг эгаси билан ўрганишга қаратилган янги лингвистик йўналиш-антропоцентризм асосидаги тадқиқотлар юзага келаётгани қувонарли ҳолдир. Тил ҳодисаларига миллат маданияти, миллий менталитети, билиш фаолияти каби омиллар билан бир бутунликда ўрганиладиган мазкур тадқиқ тамойили ҳозирги кунда дунё тилшунослигининг асосий йўналишларидан бирига айланиб бормоқда[10].

Антропоцентрик тилшуносликда лисоний/дискурсив шахс муаммоси бўйича амалга оширилган лингвистик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, бу соҳада олиб борилаётган тадқиқотлар кўп бўлса-да, ҳозиргача дискурсда, хусусан, бадиий матнда муаллиф ва персонаж лисоний шахсларининг намоён бўлиши масаласи таҳлил этилган махсус тадқиқотлар учрамайди. Ушбу мавзу махсус тадқиқотнинг амалга оширилишини тақозо этади ва шу жиҳатдан тадқиқот объекти сифатида танлаб олинишига асос бўлган .

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган «Замонавий тилшуносликнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги тадқиқотлар доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади бадиий дискурсда муаллиф ва персонаж дискурсив шахсиятининг антропоцентризм вербал маркерларини психологик, культурологик, когнитив, коммуникатив-прагматик, ва семантик-стилистик ўзига хосликларидан келиб чиқиб аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тилшуносликда антропоцентризмнинг методологик тамойилини тадқиқ қилишга доир мавжуд ёндашувларни таҳлил қилиш;

---

[9] Каламбет Е.В. Проявления антропоцентризма в современной отечественной лексикографии: на материале лингвистических словарей. Автореф. дис. … канд. филол. наук. – Краснодар, 2007. – 23 с.; Никишина Т.Г. Проблема человека в парадигме западного антропоцентризма. Автореф. дис. … канд. филол. наук. – Ростов на Дону, 2008. – 26 с.; Чурилина Л.Н. Антропоцентризм художественного текста как принцип организации его лексической структуры. Автореф. дис. … док. филол. наук. – Санкт Петербург, 2002. – 44 с.; Багаутдинова Г.А. Человек во фразеологии: антропоцентрический и аксиологический аспекты. Автореф. дис. … док. филол. наук. – Казань, 2007. – 46 с.; Бородина Л.В. Антропоцентризм юмористического дискурса. Автореф. дис. … канд. филол. наук. – Волгоград, 2015. – 26 с.

[10] А.Мадвалиев. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. – Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – Б. 22-23.

антропоцентрик парадигма нуқтаи назаридан бадиий дискурснинг моҳиятини аниқлаш ва муаллиф ҳамда персонаж дискурсив шахси (ДШ)нинг асосий маркерларини идентификациялаш;

муаллиф мулоҳазаларини олам манзарасининг муаллиф индивидуал идроки инъикоси сифатида далиллаш;

сентенциянинг муаллиф ДШ тил маркери сифатидаги аҳамиятини асослаш;

сарлавҳа ва эпиграфларнинг муаллиф онгидаги оламнинг концептуал манзарасини намойиш этишдаги ролини аниқлаш;

тавсифий контекстларда муаллиф модаллигини ажратиш;

бадиий дискурс антропоцентриклиги доирасида концептнинг ўзига хослигини тавсифлаш;

бадиий диалогда муаллиф ва персонаж ДШнинг намоён бўлишини далиллаш;

муаллиф ва персонаж дискурсив шахсиятининг намоён бўлишида график воситаларнинг когнитив-стилистик аҳамиятини асослаш;

нохусусий-тўғри нутқ концептуал белгиларини муаллиф ва персонаж ДШ ифодаси сифатида намоён қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида антропоцентризмнинг муаллиф ва персонаж дискурсив шахсиятида намоён бўлувчи вербал маркерлари (муаллиф мушоҳадаси, сарлавҳа ва эпиграфлар, сентенциялар, баёний контекстлар, лингвоконцептлар, бадиий диалог, график воситалар, нохусусий-тўғри нутқ) танланган.

Тадқиқотнинг предметини бадиий дискурсда антропоцентризм вербал маркерларининг (муаллиф мушоҳадаси, сарлавҳа ва эпиграфлар, сентенциялар, баёний контекстлар, лингвоконцептлар, бадиий диалог, график воситалар, нохусусий-тўғри нутқ) семантик-стилистик, лингвопрагматик, лингвокогнитив, психолингвистик, лингвомаданий ўзига хосликлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишда анъанавий методлар (лингвистик тавсифлаш методи, оппозициялар методи, услубий таҳлил, контекстуал таҳлил) билан бир қаторда янги таҳлил методлари, хусусан коммуникатив-прагматик таҳлил, фреймли таҳлил, концептуал таҳлил, интертекстуал таҳлил, дискурс-таҳлил, когнитив картанинг тузилиш методи, параметрлаш, ассоциатив майдон методи ва бошқалар қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ингл.тил бадиий дискурсида тилшуносликдаги янгича ёндашувлар асосида антропоцентризм вербал кўрсаткич-белгиларини аниқлаш ва тавсифлашнинг мажмуавий модели ишлаб чиқилган;

субъектлари муаллиф ва персонаж ҳисобланувчи бадиий дискурс вербал-семантик, коммуникатив-прагматик, когнитив ва эстетик-маданий даражалардаги конститутив белгиларини ўз ичига олувчи мураккаб, кўп ўлчамли, кўп погонали ҳосила эканлиги антропоцентрик ёндашув асосида исботланган;

бадиий дискурс антропоцентризми муаллиф ва персонажнинг дискурсив шахсиятида намоён бўлиши асосланган;

бадиий дискурс таҳлилида фанлараро узвийлик ва интегралликнинг методологик тамойиллари асосида антропоцентризмнинг даражавий параметрлашиши аниқланган;

муаллиф ва персонаж дискурсив шахсиятининг семантик-стилистик, коммуникатив-прагматик, когнитив, маданий, психологик таърифларидан келиб чиқиб когнитив модели шакллантирилган;

муаллиф дискурсив шахсиятининг матн таркибидаги: а) муаллиф мушоҳадаси; б) сарлавҳа ва эпиграфлар; в) сентенциялар; г) баёний контекстлар; д) лингвоконцептлар сингари матн бирликлари ва парчаларида намоён бўлувчи асосий тил маркер-белгилари очиб берилган;

персонаж дискурсив шахсиятининг матн таркибидаги: а) бадиий диалог; б) график воситалар; в) нохусусий-тўғри нутқ сингари парчаларда намоён бўлувчи асосий тил маркерлари аниқланган;

ўз ичига субектнинг ўрни, обектнинг ўрни, предикатнинг ўрни ва атрибутлик жиҳатларни олувчи когнитив-пропозицонал қурилма концептига функционал ёндашув асосида лингвоконцептнинг очиқлик, динамиклик ва процессуаллик хусусиятлари далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

антропоцентризм, фанлараро алоқадорлик, интеграллик тамойиллари нуқтаи назаридан бадиий матн назарияси такомилига муайян ҳисса қўшади ва уни таҳлил қилиш заруриятини исботлайди;

антропоцентризм матн бирликлари ва парчаларида намоён бўлувчи а) муаллиф мушоҳадаси; б) сарлавҳа ва эпиграфлар; в) сентенциялар; г) баёний контекстлар; д) лингвоконцептлар ҳамда бадиий диалог, график воситалар ва нохусусий-тўғри нутқ сингари асосий тил маркерлари аниқланган;

матнни муаллиф ва персонаж дискурсив шахсияти ижодий фаолиятининг иньикоси сифатида семантик-стилистик, коммуникатив-прагматик, лингвокогнитив, лингвомаданий, лингвопсихологик омиллар билан боғлиқликда кўриб чиқадиган «муаллиф-персонаж» категорияси қўшилгани дискурс ва дискурс-таҳлил назариясини бойитади ҳамда бадиий дискурс категориал-тушунчалар аппаратини тўлдиради.

тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган муаллиф ва персонаж дискурсив шахсияти (ДШ) вербал маркерларини мажмуавий таҳлил қилиш методикаси универсал характерга эга бўлиб, турли тиллар материалида бошқа типдаги дискурсив шахсиятларни ривожлантириш механизмини такомиллаштириш ва таҳлил қилиш жараёнида ишлатилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги замонавий тилшуносликда илмий ёндашувлар, таҳлил методлари, умумилмий назариялар ва тан олинган лингвистик концепцияларнинг қўлланганлиги; таҳлилга тортилган катта ҳажмдаги фактик материал ва амалга оширилган тадқиқот натижаларининг диссертацион ишдаги назарий ҳолатларга мувофиқлиги; ОАК томонидан тавсия қилинган республика миқёсидаги ва хорижий журналларда, республика ва хорижий илмий конференциялар тўпламларида мақолалар нашр қилинганлиги; хулоса ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги; олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари мустақил илмий йўналиш-лингвоперсонологиянинг ривожига, муаллиф-персонаж дискурсив шахсияти (ДШ) ментал-вербал креатив фаолияти натижаси бўлган оламнинг бадиий манзарасини тадқиқ қилишга, бадиий дискурс тилида намоён бўлувчи ДШ янги назариясининг шаклланишига муайян ҳисса қўшади;

Ишда қўлланилган фанларо ва интеграл ёндашув антропоцентризмни максимал кенг контекстда, муаллиф модаллиги ва интенционаллигини, шунингдек, муаллиф ва персонаж дискурсив шахсиятини шакллантирувчи семантик-стилистик, коммуникатив-прагматик, лингвокогнитив, лингвомаданий, лингвопсихологик омилларни ҳисобга олган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келиш имконини беради;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот материаллари ОТМлардаги таълим жараёнида умумий тилшунослик, когнитив тилшунослик, когнитив стилистика, матн стилистикаси ва интерпретацияси, матн лингвистикаси, лингвопрагматика, лингвомаданиятшунослик фанлари бўйича маъруза ва семинар машғулотларини ўтказишда, диссертацион ишларни ёзиш ҳамда дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашда, шунингдек, лингвистик луғатларни тузишда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

Диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва амалий хулоса, тавсия ва ишланмалар асосида:

тилшуносликнинг янги йўналишлари нуқтаи назаридан инглиз тилидаги бадиий дискурсда антропоцентризм вербал маркерларини комплекс ўрганишга йўналтирилган назарий таклифлар, амалий натижалардан ФА-Ф1-Г041 рақамли «Ўзбек тили лексикасининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 22 ноябрдаги 89/04-2671-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида лойиҳа доирасида «Ижтимоий-сиёсий терминларнинг қисқача изоҳли луғати»даги бирликлар таърифи ва талқинлари диссертация материаллари ёрдамида такомиллаштирилган;

бадиий дискурс таҳлилида антропоцентризм, фанлараро алокадорлик ва интегралликнинг методологик тамойиллари, муаллиф ва персонаж дискурсив шахсияти вербал маркерларининг ифодаланиш усулларидан ОТ-Ф8-062 рақамли «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 22 ноябрдаги 89/04-2671-сонли маълумотномаси). Натижада бадиий-адабий коммуникация (мулоқот)нинг энг мураккаб турларидан бири бўлган, субъектлари муаллиф ва персонаж ҳисобланувчи бадиий дискурснинг аҳамияти тасдиқланган, турли тизимли тилларда лексик бирликларни янада чуқурроқ таҳлил қилиш орқали грамматик ва лексик-семантик воситаларнинг матндаги деривацион ўзига хосликларини аниқлашга эришилган;

бадиий матннинг этнолингвистика, когнитив лингвистика, лингвомаданиятшунослик, шунингдек гендер тилшунослик сингари тилшуносликнинг замонавий йўналишлари доирасида амалга оширилган

таҳлиллардан ОТ-А1-018, ИТД-1-07 рақамли «Тилшунослик асослари фанидан дарслик, ўқув-методик мажмуалар ва уларнинг электрон версияларини яратиш» амалий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 22 ноябрдаги 89/04-2671 сон маълумотномаси). Натижада лингвистик таҳлил методлари (концептуал таҳлил, оппозициялар методи, параметрлаш методи), дискурсив шахс назарияси, бадиий дискурс моҳияти, бадиий дискурсда билим тузилишининг акс этиш муаммоси ва уни таҳлил қилиш методлари бўйича назарий ҳамда амалий маълумотлар тилшунослик бўйича ресурсларнинг (дарслик, ўқув-методик мажмуалар ва уларнинг электрон версиялари) бойишига хизмат қилган;

замонавий лингвистика, хусусан, лингвоперсонология ва муаллиф ҳамда персонаж дискурсив шахсияти назарияси тараққиётининг ўзига хослиги ҳақидаги алоҳида назарий хулосалар ва амалий тавсиялардан А-1-61 рақамли «Кўриш имконияти чекланган талабалар учун тилшунослик фанлари бўйича аудиокитоб таъминотини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 22 ноябрдаги 89/04-2671 сон маълумотномаси). Натижада антропоцентризм негизида шаклланган замонавий тилшуносликнинг устувор тенденциялари, йўналишлари ва ривожланиш тамойилларига мувофиқ аудиокитоблар мазмуни такомиллаштирилган ва бойитилган;

муаллиф дискурсив шахсининг матн таркибида намоён бўлувчи асосий тил маркерлари таҳлилларидан Project Tempus 544161-TEMPUS-1-2013-1-UK-TEMPUS-JPCR Aston University «Developing the Teaching of European Languages: Modernising Language Teaching through the development of blended Masters Programmes» - «Ўқитувчиларни тайёрлашга онлайн технологияларни татбиқ этиш орқали Европа тилларининг ўқитилишини такомиллаштириш» халқаро лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистондаги «Эрасмус» миллий офисининг 2019 йил 2 декабрдаги 94-сонли маълумотномаси). Натижада инглиз тили факультетининг магистратура босқичлари талабалари учун English Language Improvement, Foreign Language Teaching Methodology, Course Design and Evaluation каби янги ишлаб чиқилган махсус курслар замонавий ёндашувларни ўзида акс эттирган. Шунингдек, муаллиф дискурсив шахсининг матн таркибида намоён бўлувчи асосий тил маркерларидан фойдаланиш олий таълим муассасаларида инглиз тилига касбий-йўналтирилган таълим жараёнини модернизациялаш ва такомиллаштиришга замин яратган;

диссертацион тадқиқот натижалари ва инглиз тилидаги бадиий асарларнинг муаллиф ва персонаж концептуал дунё манзарасини таҳлил қилиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялардан «Дунё адабиёти» кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2018 йил 28 сентябрдаги 02-16/454 маълумотномаси). Натижада мазкур тадқиқот маълумотлари телекўрсатув илмийлигини ошишига хизмат қилган ва тил, адабиёт ҳамда маданиятнинг ўзаро таъсири масалалари бўйича У.Фолкнер қарашлари илмий истеъмолга киритилган;

муаллифнинг диссертация бўйича ёзган мақолаларидан Россиянинг Н.А.Добролюбов номидаги Нижегород давлат лингвистика университетида

(2019 йил 30 ноябрдаги 98-сонли маълумотнома), Ҳиндистоннинг Jamia Millia Islamia (JMI) университетида (2019 йил 19 ноябрдаги 445-сонли маълумотнома), Туркиянинг Афён университетида (2019 йил 15 ноябрдаги 57-сонли маълумотнома) стилистика, матн интерпретацияси, матн лингвистикаси, когнитив тилшунослик фанлари бўйича маърузаларда фойдаланилган. Натижада инглиз тили факультетининг бакалавриат ва магистратура боскичлари ўкув курсларини яратишда муаллиф ва персонаж дискурсив шахсиятини ўрганиш бўйича ишлаб чикилган комплекс методика халкаро миқёсда жорий этилган. Шунингдек, субъектлари муаллиф ва персонаж ҳисобланувчи бадиий дискурс вербал-семантик, коммуникатив-прагматик, когнитив ва эстетик-маданий даражалардаги конститутив белгиларини ўз ичига олувчи мураккаб, кўп ўлчамли, кўп поғонали ҳосила эканлиги хорижда ўкув қўлланмалир ва методик кўрсатмаларни максадли ишлаб чиқиш билан боғлиқ ишларнинг такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Испаниянинг Барселона университетида инглиз филологияси факультети магистр талабаларига «Дискурсда прагматик интенция» мавзусида маъруза қилинган (2016 йил 16 октябрь).

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш эълон қилинган бўлиб, шулардан 1та монография, 1та луғат, 1та мақола Скопус базасидаги журналда, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан, 7 та мақола (Англия, АҚШ, Россия, Ҳиндистон, Туркия) хорижий илмий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 160 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асосланган, муаммонинг ўрганилиш даражаси, тадқиқот мавзуси бўйича хорижий ва юртимиз адабиётлари шарҳи амалга оширилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотда фойдаланилган методлар кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янглиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Замонавий лингвистика фани тараққиёти контекстида антропоцентризмнинг назарий масалалари»** деб номланган биринчи бобида лингвистик адабиётларнинг танқидий материаллари асосида тилшуносликнинг бугунги тараққиёт босқичида антропоцентризм билан боғлиқ ишлаб чиқилган дастлабки назарий асослар ва тамойиллар, бадиий матн

таҳлилида фанлараро алоқадорлик билим ва тамойиллари парадигмаларига асосланган янгича ёндашувлар кўриб чиқилган, шунингдек дискурс тушунчаси, бадиий дискурс хусусиятлари ёритилган.

«Инсон омили»ни назарда тутувчи антропоцентрик парадигма орқали тил ҳодисаларини ўзига хос триадалар: «тил-инсон-коммуникация», «тил-инсон-тафаккур», «тил-инсон-маданият» призмасида кўриб чиқиш тилни ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир. Зотан, биринчидан, тилнинг кўп қирралилиги инсон, унинг билим ва тажрибаси маҳсули (инсон тилда), иккинчи томондан эса, тил инсонни, унинг фикрлаш ва тафаккур қилиш ва ақлий салоҳиятини билиш воситасидир (тил инсонда). Қайд қилиш жоизки, антропоцентризм тамойили табиий равишда фанларо алоқадорлик ёндашувини, «ички тилшунослик» доирасидан инсон ва унинг фаолияти маконига чиқишни тақозо этади. Бадиий матнни ўрганиш учун муҳим бўлган антропоцентрик ёндашув уни лингвоперсонология, матн лингвистикаси, коммуникатив тилшунослик, когнитив тилшунослик, лингвоконцептология ва лингвокультурология (лингвомаданиятшунослик) нуқтаи назаридан комплекс, фанлараро таҳлил қилишни назарда тутади.

Бадиий матнни тавсиф қилишнинг коммуникатив модели матнни икки томонлама коммуникатив акт сифатида кўриб чиқишни, бунда адресант ва адресат омиллари ҳамда социомаданий контекстни ҳисобга олишни назарда тутади. Матн муаммоси коммуникатив планда ҳам лингвистик (лисоний), ҳам экстралингвистик (нолисоний) мулоқот омилларини кўриб чиқишни ўз ичига олади. Лингвистик (лисоний) омиллар сирасига турли даражадаги тил воситаларини саралаш ва тузиш, матннинг семантик ва стилистик (услубий) характеристикалари, грамматик тузилиши кабилар киради. Экстралингвистик (нолисоний) омилларга адресант ва адресатнинг шахсияти, мулоқотнинг мақсад ва вазифалари, мулоқотнинг социомаданий шароитлари киради. Шу ўринда пресуппозициялар, билимлар мажмуи, фон билимларининг, кенг маданий контекстнинг ролини алоҳида қайд қилиш лозим.

Бадиий матнни когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш мазкур ҳодисанинг мураккаб когнитив тузилишини юзага чиқаради, зеро унинг қурилиши ва интерпретацияси асосида ахборот тарқатишнинг муайян когнитив тамойиллари, шунингдек уни концептуаллаштириш ва категориялаш жараёнлари ётади. Матнда ахборотни ифодалашнинг муҳим когнитив тамойили релевантликдир. Мазкур тамойилга мувофиқ энг муҳим ва дақиқ маълумот муайян тарзда маркирланади ва матннинг вербал структурасида урғу берилади. Тил шаклларини танлаш ва уларнинг матнда берилиши адресант қайси ахборотни узатиш энг муҳим деб ҳисоблашига бевосита боғлиқ. Адресант ўзи учун ўта аҳамиятли бўлган ахборотни аниқлайди ва матннинг у ёки бу фрагментларини илгари суриш, фигура ёки фон позицияларига жойлаштириш орқали матний стратегияларни қуради. Шундай қилиб, «илгари суриш» матндаги коммуникатив жиҳатдан энг муҳим ахборотни танлаш ва унга урғу беришнинг когнитив тартиби сифатида кўриб чиқилади. Адресатнинг эътиборини матннинг муайян қисмларига тортиб, муайян фреймларни фаоллаштириш орқали илгари суриш зарур

ахборотни қидиришни осонлаштиради ва ахборотни когнитив қайта ишлаш жараёнида стимул ёки «калит» сифатида намоён бўлади.

Бадиий матнни лингвомаданий аспектда таҳлил қилиш матннинг лингвомаданий майдонини шакллантирувчи лингвомаданий бирликлар тизимини аниқлаш; маданий концептларни матннинг мазмуний-мавзуий доминанти сифатида тадқиқ қилиш; матнни умуминсоний, миллий-ўзига хос ва индивидуал-шахсиятий характердаги концептуал моҳиятларнинг кенг спектрини акс эттирувчи оламнинг индивидуал-муаллифлик лисоний манзараси сифатида кўриб чиқиш кабиларни назарда тутади. Оламнинг концептуал манзараси матнда барча тил бирликлари тизими ёрдамида репрезентацияланади (қайта ифодаланади), бироқ лингвомаданий характердаги тил бирликлари нисбатан асосий рол ўйнайди.

Бадиий матнни таҳлил қилишга доир коммуникатив ва когнитив ёндашувлар дискурс ва дискурсив шахсият муаммосини илгари суради. Дискурс муаммоси турли-туман ёндашув ва фикрларнинг кўплиги билан характерланувчи кенг ва зиддиятли тадқиқот соҳасидир. Мазкур муаммога боғлиқ мавжуд адабиётларнинг деталлаштирилган таҳлили дискурснинг нисбатан аҳамиятли характеристикаларини юзага чиқариш имконини берди. Улар сирасига антропоцентризм, интенциональность, адреслилик, интегративлик, ситуативлик, процессуаллик, очиқлик, динамиклик кабилар киради. Санаб ўтилган белгилар дискурсни, матнни турли экстралингвистик (нолисоний) омиллар: коммуникантлар, мулоқот вазияти ва шароити, мақсадлар, социомаданий контекстларни ўз ичига олувчи мураккаб, фанлараро, кўп қиррали, коммуникатив-когнитив ҳодиса сифатида кўриб чиқиш имконини беради.

Адолат нуқтаи назаридан қайд қилиш жоизки, дискурс термини пайдо бўлганига қадар бадиий матн соҳасидаги тадқиқотлар социомаданий контекст ва нолисоний билимларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган.

Бадиий матн тадқиқида фондаги (қўшимча, яширин, маъновий) билимлар, билимлар фонди (захираси), вертикал контекст, макроконтекст, вазиятли контекст, мулоқот шароити сингари тушунчалар кенг қўлланилган. Бадиий матнни кенг тарихий ва социомаданий контекстни ҳисобга олмасдан таҳлил қилиш имконсизлиги тилшуносликда аллақачон таъкидлаб ўтилган (Р. Якобсон, В.В. Виноградов, Ю. Лотман, И.Р. Гальперин). Шунга қарамай, дискурснинг юқорида келтирилган таърифларини ҳисобга олиб, БД (бадиий дискурс) термини анча маъқул эканлигини тан олиш керак. Зеро, у бир томондан адресант, иккинчи томондан эса адресат коммуникатив фаолиятининг икки томонлама характерини қайд қилади. Шундай қилиб, бадиий дискурсни «матн яратилиши ҳамда қабул қилинишининг умумий лингвокреатив жараёни»[11] сифатида кўриб чиқиш мумкин. Вербал-семантик, коммуникатив-прагматик, когнитив ва эстетик-маданий даражаларни ўз ичига олувчи мураккаб, кўп ўлчамли, кўп поғонали ҳосилани намоён этувчи БДнинг конститутив белгиларини кўриб чиқамиз. Ҳар бир даражани батафсил таърифлашга берилмаган ҳолда, уларнинг асосий характеристикаларини қайд этамиз. Вербал-

[11] Алефиренко Н.Ф. Поэтическая энергия слова: синергетика языка, сознания и культуры. – М.: Academia, 2002. – С. 45.

семантик даража структур-семантик бутунлик, боғлиқлик, лексик, грамматик расмийлаштирилганлик, стилистик маркирланганлик (образлилик, эмотивлик, баҳоланганлик), имплицитлик ва амабивалентлилик сингари параметрларни ўз ичига олади. Коммуникатив-прагматик даража антропоцентриклик, вазиятлилик, процессуаллик ва адреслилик каби тамойилларга асосланади. Когнитив даража модаллик, концептуаллик, интерпретацияланувчанлик ва интертекстуаллик (интерматнлилик) сингари параметрларнинг кўриб чиқилишини назарда тутади. БДнинг қайд қилинганларидан кам аҳамиятга эга бўлмаган эстетик-маданий даражаси маданий аҳамияти, миллий ўзига хослиги, аксиологиклиги ва лингвокреативлиги билан характерланади. Тадқиқотимиз мақсадидан келиб чиқадиган бўлсак, дискурснинг нисбатан аҳамиятли характеристикаси антропоцентризм бўлиб, у дискурсни чамбарчас «муаллиф-матн-ўқувчи» учлиги алоқадорлигида кўриб чиқишни назарда тутади. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, БДнинг ўзига хос фарқли жиҳати «ташқи: муаллиф-ўқувчи» ва «ички: персонаж-персонаж» каби коммуникатив фаолиятнинг ўзига хос, мураккаб кўринишига эгалигидир.

Биз томонимиздан таклиф қилинаётган БД даражавий модели қуйидаги схемада акс этган:

1-расм. Бадиий дискурс даражавий модели чизмаси



Диссертациянинг **«Дискурсив шахс тилшунослигининг янги йўналишлари нуқтаи назарида: тушунча, структура ва ривожланиш тенденциялари»** номли иккинчи бобида муаллиф ва персонаж ДШнинг асосий параметрлари ишлаб чиқилади ва антропоцентризмнинг асосий тил маркерлари идентификацияланади.

Лингвоперсонология, дискурсология ва у билан корреляцияланувчи танқидий дискурсив таҳлил фанларининг ривожи лисоний шахс ҳақидаги тасаввурларни кенгайтирди[12]. «Лисоний шахс» муаммосини дискурсив таҳлилга татбиқ этишда дискурсив шахс термини қўлланмоқда. Мазкур терминнинг юзага келиш сабаби шундаки, коммуникация жараёнида дискурсив амалиёт натижасида лисоний шахс терминининг моҳияти мазмунан кенгайди. Бу эса коммуникатив ва когнитив омиллар кесишуви тақозоси билан рўй берди.

ДШ биз томонимиздан инсоннинг дискурсни яратиш ва уни қабул қилишни тақозо қилувчи қобилият ва характеристикалари йиғиндиси сифатида тушунилади. Муаллиф ва персонаж ДШлари фарқланади: а) семантик-стилистик тил мураккаблиги даражасига кўра; б) коммуникатив-прагматик омилларнинг тилда репрезентацияланиш характерига кўра; г) интеллектуал қобиқни акс эттириш чуқурлигига кўра; д) персонажнинг муайян психологик типни репрезентацияловчи психологик, индивидуал шахсий хусусиятларининг акс этишига кўра.

ДШ бадиий матнда кўриб чиқилаётганда, адабий коммуникациянинг хар бир субъекти дискурсив шахс модели: реал (муаллиф) ва фиктив (персонаж) сифатида каралиши мумкин. Муаллиф ва персонаж ДШ, уларнинг бадиий дискурсдаги репрезентацияси муаллиф модаллиги ва инетенционаллиги сингари категориялар билан бевосита боғлиқ бўлган антропоцентризмнинг намоён бўлишини яққол исботлайди. Муаллиф модаллиги унинг аксеологик мўлжаллари (установкалари), эстетик қарашлари ва тафаккурининг лингвокреатив потенциали (имконияти) билан белгиланади. Интенциаллик эса, ўз навбатида, муаллиф ДШ мотив ва мақсадларини акс эттирувчи ифоданинг аниқ мақсадини намойиш этади ва интенционал маънода БДда тилни ифодалашнинг турли усулларига эга бўлади.

Бадиий дискурснинг таркибий қисми бўлган бадиий матннинг яратилиши эксплицит тарзда, яъни сўз орқали ёки имплицит тарзда, яъни мазмуний-концептуал ахборот ёхуд муайян ассоциатив концептуал мазмунлар орқали намоён бўлиши мумкин бўлган муаллифнинг дискурсив шахсияти томонидан белгиланади. Бадиий дискурснинг барча таркибий қисмлари муаллиф сифатида қатнашаётган дикурсив шахснинг ташкилотчилигига боғлиқ. Муаллиф ва персонаж дискурсив шахсияти бир томондан муаллифнинг идиостилини, бошқа томондан эса персонажнинг нутқий манерасини характерловчи, бир қатор индивидуал семантик-стилистик, коммуникатив-прагматик, когнитив, гендер ва социомаданий характеристикаларда ифодаланувчи матн нарчалари ва бирликлари йиғиндисида намоён бўлади. Таъкидлаш жоизки, персонаж ДШ нафақат санаб ўтилган хусусиятларнинг ифодасидир, балки у муаллиф модаллиги ва интенционаллигини ифодалаш мақсадларига билвосита хизмат қилади.

---

[12] Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Издательство ЖИ, 2007. – 264 с.

Биз таклиф этаётган ДШнинг даражавий тавсиф модели Ю.Н.Карауловнинг лисоний шахс модели асосида яратилган. Аммо тақдим этилаётган моделда, Ю.Н.Караулов моделидан фарқли равишда, айрим ўринлар такомиллаштирилган, қўшимча ва аниқликлар киритилган. **Биринчидан,** даражалар сони кўп ва қўшимча равишда унга лингвомаданий ва лингвопсихологик даражалар ҳам қўшилган. Бундай қўшимчани киритиш зарурати маданиятнинг тил маконидан ажратилмайдиган ДШ тушунчасининг моҳиятидан келиб чиқади. В.А.Маслованинг таърифига кўра, «инсон-тил-маданият» алоқадорлиги лингвомаданиятшуносликнинг диққат марказида туради[13]. Бундан ташқари, ушбу жараёнда ДШнинг психологик аспектини кўриб чиқишни ҳам лозим топдик. Чунки персонаж ДШнинг психологик, индивидуал-шахсга доир хусусиятлари алоҳида психологик типни ташкил этади. **Иккинчидан,** агар Ю.Н.Карауловнинг моделида охирги – когнитив ва прагматик даражаларни объективлаштирувчи ягона вербал-семантик даража ажратилган, бизнинг моделда эса ажратилган моделларнинг ҳар бири вербалдир. Бу коммуникатив-прагматик, когнитив, психологик ва маданий аспектларни реаллаштирувчи тил воситаларини батафсил, деталлаштирилган ҳолда таҳлил қилиш зарурати билан изоҳланади.

Диссертациянинг «**Бадиий дискурсда муаллиф дискурсив шахсини воқелантирувчи тил маркерлари**» деб номланувчи учинчи бобида муаллиф дискурсив шахси муаллиф модаллиги ва интенционаллиги нуқтаи назаридан ўрганилади. Бу эса оламнинг индивидуал манзарасининг нисбатан концептуал ва аксиологик аҳамиятли компонентларини юзага чиқариш имконини беради.

Қайд қилиш жоизки, муаллифнинг дискурсив шахсияти фойдаланилувчи барча тил воситалари тизими: лексик бирликлар танловида, матнни тузишнинг услубий, синтактик ва композицион хусусиятларида, матннинг интенционаллик ва модаллик категорияларида намоён бўлади. Шунингдек, тадқиқотда БДда муаллиф ДШни бевосита акс эттирувчи парча ва бирликлар ажратилиши тўғрисидаги фикрлар илгари сурилади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, қуйидагилар муаллиф ДШнинг вербал маркерлари сифатида ажратилади: а) муаллиф мушоҳадалари; б) сентенциялар; в) сарлавҳа ва эпиграфлар; г) лингвоконцептлар; е) тасвирий контекстлар.

Муаллиф мушоҳадалари – бу мураккаб когнитив-дискурсив структура, олам индивидуал-муаллифлик манзарасининг аҳамиятли элементи бўлган кичик шаклдаги матн (микроматн). Муаллиф модаллиги ва интенционаллиги нуқтаи назаридан муаллиф мушоҳадалари, уларнинг дистинктив белгиларини таҳлил қилиш қуйидагиларни юзага чиқарди: а) структур ва семантик яхлитлик ҳамда нисбий мазмуний мустақиллик ва фукционал аҳамиятлиликда намоён бўлувчи автосемантиклик; б) муаллифнинг ўқувчига бевосита мурожаати сифатида қараладиган адреслилик ҳамда адресатнинг ижодий ҳамкорлик қобилияти; в) стилистик усулларни конвергенциялашда намоён бўлувчи стилистик маркирланганлик; г) муаллиф концептосферасини ташкил этувчи бир қатор концептларни бирлаштирувчи доиравий вербал-ментал конструкция сифатида кўриб чиқиладиган фреймли структура; д) концептуал аҳамиятли ахборотни

[13] Маслова В.А. Homo lingualis в культуре. – М:. Гнозис, 2009. –175 с.

маркирловчи илгари суриш усулларидан бири эканлиги. Ишда санаб ўтилган барча релевант белгиларнинг деталлаштирилган таҳлили амалга оширилган, уларнинг тил маркерлари, стилистик самарадорлиги ва концептуал аҳамияти аниқланган.

Тадқикотда муаллиф мушоҳадалари матндаги концептуал аҳамиятли ахборотни илгари суриш усулларидан бири эканлиги далилланган.Бунга асос шуки, муаллиф мушоҳадасида сюжет баёни йўлидан четлашиш стилистик маркирланганлик, шунингдек, концептуал муҳим бўлган билан мазмунни узатиш билан боғлик. Муаллиф мушоҳадаси «илгари суриш» усули сифатида кўриб чиқилса, унда «илгари суриш» усулининг бир неча кўринишларини кузатиш мумкин. Булар ахборотни матннинг кучли позициясига жойлаштириш, стилистик усуллар конвергенцияси, сюжет баёни йўлидан четлашишдан иборат.

С. Моэмнинг «The Happy Man» ҳикоясидаги муаллиф мушоҳадаларини кўриб чиқамиз[14]. Унда муаллифнинг ҳаёт, ҳаётдаги хатолар, инсон, унинг ёлғизлиги, инсон тақдири, инсон табиатини тушуниш имконсизлиги, маслаҳатлар бериш беҳудалиги ва хавфлилиги ҳакидаги мушоҳадалари берилган. Ҳикояда сўзловчи сифатида иштирок этувчи муаллифнинг маслаҳатига кўра Лондондаги истиқболли мансабдан воз кечиб, бахтли ҳаёт куриш учун Испаниядаги келажаги унча омадли бўлмаган мансабни танлаган ёш шифокор ҳақида сўз боради. Ушбу мисол ўзида фреймли структурани ифодалаганлиги боис катта қизиқиш уйғотади ва уни фреймли семантика нуқтаи назаридан таҳлил қилиш имконини беради.

Фреймнинг номи сифатида асосий концептни ифодаловчи ва бошқа концептлар (*Solitude, Destiny, Misunderstanding, Advice*)нинг ўзаро алоқадорлигида ифодаланувчи Life лексемасини белгилаб олиш мумкин. Концептларнинг деталлаштирилган таҳлили қийинчиликлар, машаққат (*difficult, hazardous*), маҳкумлик (*doomed*), ёлғизлик (*prisoner, solitary tower*), ортга қайтариб бўлмас (*irreversible*), тузатилмас (*irreparable*), қатъиятсизлик (*confused, hesitation*), хавф (*hazardous*) сингари тушунчалар билан ассоциацияланувчи LIFE – асосий концептнинг концептуал белгиларини юзага чиқариш имконини беради. Фреймли структурада берилган эксплицит ва имплицит ахборотнинг таҳлили концептуал мазмуннинг қат-қатига кириб бориш имконини беради. Уни шундай умумлаштириш мумкин: инсон ҳаёти қийинчиликлар билан лиммо-лим, тақдири азал томонидан белгиланган, ёлгизлик ва рад этилишга маҳкум. Шундай қилиб, ушбу парча ўқувчининг диққатини тортади, негаки у «илгари суриш» позициясини эгаллаган. Бунга қуйидагилар натижасида эришилган: а) ахборот матннинг кучли позициясига (матн бошига) жойлаштирилган; б) баённчиликнинг сюжет линияси бузилган; в) стилистик усулларнинг конвергенцияси –метафора, эпитет, антитеза, қиёслаш, инверсия кузатилади; инсон ҳаётидаги муҳим кадриятларга нисбатан муаллифлик позициясини ифодаловчи концептуал аҳамиятли ахборот берилган.

Мазкур фреймни чизма шаклида қуйидаги диаграммада тасаввур қилиш мумкин:

[14] Maugham W.S. Selected Prose. – M.: Менеджер, 1999. – 488 p.

2-расм. LIFE концептининг фреймли тахлили чизмаси



Муаллиф ДШнинг муҳим тил маркерларидан бири сентенциядир. Сентенция муаллифнинг ҳикматли сўзи бўлиб, у қисқалик, семантик сиғимлилик ва қайта изоҳланиши белгилари билан характерланади. Сентенция олам индивидуал-муаллифлик концептуал манзарасининг муҳим компоненти бўлиб, у биз томонимиздан муайян умуминсоний ва миллий ўзига хос маданий қадриятларни акс эттирувчи концептуал, аксиологик муҳим ахборотни етказиб берувчи маданий модель сифатида кўриб чиқилади. Бундай ҳолатда тил бирликлари «маданиятнинг қадриятли-мазмуний категориялари» семантикасида тасвирлаш (ифодалаш) конуниятлари етакчи рол ўйнайди[15]. Муаллиф модаллиги ва интенционаллиги

[15] Алефиренко, Н. Ф. Лингвокультурология: ценностно-смысловое пространство языка. – Москва: Флинта: Наука, 2010. – 288 с.

нуктаи назаридан муаллифлик сентенцияларини ҳамда уларнинг дистинктив белгиларини таҳлил қилиш қуйидагиларни юзага чиқарди: а) стилистик усуллар конвергенциясида намоён бўлувчи стилистик маркирланганлик; б) эксплицит ёки имплицит концептуал белгиларнинг йиғиндисида намоён бўлувчи информацион тўйинганлик (ахборотга тўлалик) билан характерланувчи семантик сиғимлилик; в) сентенцияларнинг олам ҳақидаги билимлар структурасини етказа олиш, маданий қадриятлар ҳамда оламнинг бадиий манзарасига оид аксиологик муҳим компонентларга урғу бера олиш қобилияти билан шартланган концептуал ва маданий аҳамиятлилик. Шекспирнинг қуйидаги сентенциясини кўриб чиқамиз[16]:

Beauty is but a vain and doubtful good; a shining gloss that fadeth suddenly; a flower that dies when it begins to bud; a doubtful good, a gloss, a glass, a flower, lost, faded, broken, dead within an hour.

В) матнлараро таъсир билан шартланган иккиланган референт, мансублик билан характерланувчи интерматнлилик; г) сентенцияни бошқа фреймга кўчириш оркали турлича талқин қилишда намоён бўладиган рефрейминг (қайта фреймлаш), реинтерпретацияланувчанлик (қайта изоҳланиш).

Сарлавҳа (мавзу) бутун матн билан мураккаб мазмуний муносабатга киришадиган, унинг мазмуний ва эстетик таркибининг муҳим элементига айланадиган комплекс когнитив структура (тузилма) ва маданий модел бўлиб, бадиий дискурсда муаллиф ёндашувини ифодалашнинг муҳим усулларидан бири сифатида кўриб чиқилади. Сарлавҳа семантикаси таҳлили олам муаллифлик манзарасининг ўзига хослигини кўриб чиқиш ва қуйидаги релевант белгиларни юзага чиқариш имконини беради: 1) турли даражада намоён бўлувчи (чуқур ва яширин) имплицитлик; 2) стилистик маркирланганлик: сарлавҳаларда стилистик усуллар (метафора, метонимия, антитеза, оксюморон ва бошк.) кенг қўлланилади. Сарлавҳада стилистик усулнинг қўлланилиши уни билишнинг муайян концептуал аҳамиятли структураларини акс эттирувчи когнитив структура ҳамда умуминсоний ва миллий-ўзига хос маданиятнинг барча элементларини ўз ичига олувчи маданий модель сифатида кўриб чиқиш имконини беради; 3) сарлавҳанинг қуйидаги фарқли белгиларга эга бўлган рамзийлиги: а) метафорик ифодаларнинг кенг қўлланилишида намоён бўлувчи образлилик; б) ижобий ва салбий концептуал белгиларнинг ўзаро алоқаси асосига қурилган бинар оппозицияда акс этувчи амбивалентлик; в) миллий дунёқараш ўзига хослигида акс этувчи миллий-маданий ўзига хослик; 4) сарлавҳа дискурснинг мазмуний устки концепти сифатида намоён бўлиши ва уни тушунишдаги ўзига хос калит (очқич) вазифасини ўташи билан боғлиқ бўлган концептуал аҳамиятлилик. Сарлавҳанинг концептуал моҳияти яна шунда намоён бўлиши мумкинки, у матндаги энг юқори (олий) концептуал бирлик сифатида ўзида кўплаб турли концептуал мазмунларни бирлаштирувчи мазмуний фокусни ифодалашга хизмат қилади.

Бадиий портрет ва табиат тасвирларини ўз ичига олувчи тасвирий контекстлар ҳам муаллиф ДШни қайта намойиш этувчи (репрезентацияловчи) тил воситаларидан бири бўлиб, бу ҳолат унинг субъектив модаллиги ва интенционаллигида намоён бўлади. Тил материали таҳлили кўрсатишича,

[16] William Shakespeare: Tragedies. ed. by H. Bloom. New York: Chelsea House, 1985. – 209 p.

тасвирий контекстлар икки поғонали структурага эга: эксплицит (устки) даража (персонаж ёки табиат ҳодисаларининг ташқи характеристикалари) ҳамда имплицит (чуқур, концептуал) даража –персонажнинг ички руҳий олами. Лингвистик ва концептуал структуралар орасидаги корреляцияга асосланган бадиий портрет талқини портретнинг чуқур семантикаси, унинг концептуал структурасини аниқлашга қаратилган. Тасвирий контекстларнинг релевант белгиларига қуйидагилар киради: а) стилистик воситалар конвергенцияси билан ифодаланувчи стилистик маркирланганлик бўлиб, у тасвирий контекстларни илгари суриш усулларидан бири сифатида кўриб чиқиш имконини беради; б) инсон хусусиятларининг жонсиз нарсалар ёки ҳайвонларга кўчирилишида намоён бўлувчи антропоморфизация жараёни. Бу ҳам уларни антропоцентризм тамойилини намоён этувчи релевант воситалар сифатида кўриб чиқиш имконини беради.

Пейзажли тасвирларнинг асосий характеристикаси уларнинг концептуал аҳамияти бўлиб, энг аввало, бу муайян маданий концептларни ифодалашда намоён бўлади. Шу ўринда мисол тариқасида Э. Хемингуэйнинг «The Old Man and the Sea» асарини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ. Асарда Инсон ва Табиат концепталари қўлланилган. Инсон ва табиатнинг бирлашиши имплетемаси матннинг кўп парчаларида: Сантьягонинг ташқи кўринишини, ҳаёт тарзи ва фикрларини, ишини, атрофдаги оламга муносабатини, табиатга, ҳайвонот ва ўсимликлар оламига муҳаббатини тасвирлашда концептуаллаштирилади.

He always thought of the sea as la mar, which is what people call her in Spanish when they love her… but the old man always thought of her as feminine and as something that gave or withheld great favours, and if she did wild or wicked things it was because she could not help them. The moon affects her as it does a woman, he thought (p. 25 - 26)[17].

He was fond of a flying fish as they were his principal friends on the ocean.

I am as clear as the stars that are my brothers (p.59).

Ушбу мисолларда ҳикоянинг бошқа парачаларида бўлгани каби антропоморфизация жараёни кузатилади. Аввал ҳам қайд қилинганидек, у бадиий дискурсда антропоцентризмнинг намоён бўлиш усулларидан биридир.

Шундай қилиб, лингвоконцепт ва унинг БДда амал қилиш хусусиятлари муаллиф ДШ репрезентацияси ва муаллиф модаллигини ифодалашда муҳим аҳамиятга эга. Лингвоконцепт когнитив-пропозиционал структура сифатида қаралади. Унинг компонентлари субъект, объект, предикат ва атрибутдир. Мазкур ҳолат уни мураккаб комплекс сифатида пропозиционал ва атрибутив характеристикаларнинг ўзаро таъсирида таҳлил қилиш имконини беради. Қоидага кўра субъект – инсон. Объект «инсон-инсон», «инсон-жамият», «инсон-табиат», «инсон-предметли олам» муносабатларида ифодаланади. Предикат инсоннинг ҳаракатлари, қилмишлари ва хулқини билдиради. Атрибут – субъект ва объектга тегишли бўлган эксплицит ва имплицит концептуал белгилардир. Лингвоконцептни унинг когнитив-пропозиционал структураси асосида талқин қилиш мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлиги Фицджеральд

[17] Hemingway E. The Collected Stories. – L.: Everyman's Library, 1995. – P. 25-59.

қаламига мансуб бўлган ва асосий концептлари «Greatness» ва «Dream» бўлган «The Great Gatsby» романининг концептуал таҳлили орқали намойиш этилган.

«Муаллиф дискурсив шахсиятининг персонаж дискурсив шахсияти призмасида ифодаланиши» номли тўртинчи боб персонаж ва муаллиф ДШнинг ўзаро алоқадорлиги муаммосига бағишланган. Персонажнинг дискурсив шахсияти муаммоси кўриб чиқилар экан, шуни таъкидлаш жоизки, персонаж тавсифи муаллиф модаллигини ифодалаш учун замин яратади ва шу орқали муаллиф ҳамда персонажнинг дискурсив шахсиятларини бир бутунликда кўриб чиқиш мумкин. Персонаж ва муаллиф ДШ вербал маркерларига қуйидагилар киради: а) бадиий диалог; б) график воситалар; в) нохусусий-тўғри нутқ.

Персонажнинг дискурсив шахсиятини намоён қилишда бадиий диалог муҳим ўрин тутади. Зеро, у бир томондан, персонаж ДШ ифодаласа, иккинчи томондан эса, муаллиф ДШ ни ўрганиш имкониятини беради.

Бадиий диалогни таснифлашга доир турли нуқтаи назарлар ва ёндашувлар мавжуд. Уларнинг асосида қуйидаги мезонлар ётади: а) бадиий диалогнинг қамрови (қисқа ва ёйиқлиги); б) семантик ва мавзуий мазмуни (маиший, фалсафий, диний, ижтимоий характердаги диалоглар, мақомига кўра томонларнинг муносабатларни очиб берувчи диалоглар, фикр алмашиш диалоглари ва ҳоказо); в) шахслараро таъсир характери (диалог-баҳс, диалог-ишонтириш, диалог-мунозара, эмоционал таъсирга эга диалог ва ҳоказо). Шубҳасиз, санаб ўтилганлар бадиий диалогнинг барча турларини қамраб ололмайди. Бироқ, юқоридаги тасниф бизнинг тадқиқотимиз мақсадларига уйғунлиги нуқтаи назаридан адекват деб топилди ва асос сифатида танлаб олинди. Шу билан бирга, биз ўз тадқиқотимиз давомида яна бир янги мезон киритилишига зарурат борлигини кўрдик. Бу **диалогда персонаж ва муаллиф дискурсив шахсиятининг акс этиш характери мезонидир.** Ушбу мезон бўйича диалогларни тасниф қилиш асосида муаллиф ва персонажнинг даражавий (семантик-стилистик, коммуникатив-прагматик, лингвокогнитив, лингвомаданий, лингвопсихологик) параметрлаштирилиши ётади. Персонаж ва муаллиф ДШнинг кўп поғонали структурасидан келиб чиқиб, ишда бадиий диалог мисолида ДШнинг барча даражалари таҳлил қилинди.

Персонаж ва муаллиф ДШнинг семантик-стилистик даражаси тилнинг турли-туман семантик-стилистик воситаларини ўз ичига олади. Улар функционал йўналишларига қараб қуйидагича бўлинади: а) персонажни, унинг ички, эмоционал ҳолатини характерлашга йўналтирган; б) муаллиф модаллиги ҳамда персонаж характери ва ҳаракатларига ижобий/салбий баҳо беришга йўналтирилган воситалар. Таъкидлаш жоизки, мазкур даражада тилнинг лингвокреативлиги янада кўпроқ намоён бўлади. Стилистик усуллар нинг кенг қўлланилиши, уларнинг тилнинг семантик-стилистик, фонетик, лексик, синтактик, фразеологик ва график воситаларини ўзида мувофиқлаштирган конвергенцияси бунинг далолатидир.

Персонаж ДШ коммуникатив-прагматик даражасининг таҳлили коммуникантларнинг ижтимоий ва касбий мақомини, мавқе ва шахсий муносабатларини аниқлаш ҳамда персонаж ДШнинг гендер, ёш, локал ва этник хусусиятларини юзага чиқариш имконини беради. Диалог жараёнида персонаж

шахсиятининг юқорида қайд қилинган характеристикалари билан бир қаторда муаллифнинг ҳам эксплицит ёки имплицит тарзда персонаж шахсиятига баҳоси, ижобий/салбий муносабати намоён бўлади.

Лингвокогнитив параметрлар персонаж ДШнинг ички маънавий оламини акс эттирган менталь структуралар билан боғлиқ тил бирликларининг концептуализацияси жараёнларини кўриб чиқишни ҳам тақозо этади. Бадиий диалогда ДШ когнитив аспекти шахс тезауруси, интеллекти, олам ҳақидаги билимлари, оламнинг индивидуал манзарасини турли табиатли ва мураккабликдаги тил бирликлари орқали акс эттиради. Бу, энг аввало, умумлашган тушунчалар, йирик концептлар ва ғояларни ифодаловчи дескриптор статусли мураккаб семантикага эга тил бирликларидир. Бунда «номинал лексика» аталмиш тил бирликлари, стилистик маркирланган бирликлар, хусусан, стилистик усуллар катта ўрин тутади.

Бадиий диалогни миллий маркирланганлик жиҳатидан кўриб чиқиш ДШнинг этник образини миллий мансублиги, хулқ-атвори стереотипи, тафаккур ва идроки, миллий характернинг ўзига хослигидан келиб чиқиб аниқлаш имконини беради. Бундай ҳолат муаллиф ғоясини чуқуррок шарҳлаш, миллий фарқланувчи коннотациялар, баҳолар, ассоциациялар юзасидан зарурий билимлар ҳажмини юзага чиқариш имконини беради. Шунга асосан, диалогни таҳлил қилиш жараёнида коммуникантларнинг миллий характеридаги ўзига хосликлар, уларнинг эмоционал мойиллик хусусиятлари, тафаккур тарзининг хос миллий жиҳатларини ҳисобга олиш муҳимдир. Маданиятга оид ахборотнинг манбалари сифатида муқобилсиз лексика, фразеологик бирликлар, паремалар, нутқий этикет формулалари, образли воситалар ва маданий маркирланган контекстларда вербаллашувчи реалиялар, образлар, эътиқод, маросимлар ва анъаналарни кўрсатиш мумкин.

Лингвопсихологик ёндашувга келадиган бўлсак, хусусан, персонаж ДШ билан боғлиқ ҳолатда, унинг муайян психологик типини репрезентацияловчи психологик, индивидуал шахсий хусусиятларни юзага чиқариш муҳим ўрин тутади. Психологик типларнинг К.Юнг[18] томонидан ишлаб чиқилган таснифига асосланиб, бадиий диалог таҳлили персонаж нутқининг экстраверт ва интроверт типлари ҳамда уларнинг шаклларини бўлган тафаккур қилувчи, эмоционал, ҳис қилувчи, интуитив типларини репрезентацияловчи лексик, стилистик, синтактик ўзига хосликларни юзага чиқаришга йўналтирилади.

БДда график воситаларнинг таҳлили уларнинг турли-туман эканлигини кўрсатди: сўз ва гапларнинг курсив билан ажратилиши, бош ҳарфлар билан ёзилиши, сўзларнинг йўғон шрифт билан ажратилиши; масофа-пробеллар (сўзлараро, бобларо, абзацларо), турли шакллардаги геометрик фигураларнинг, шунингдек, пунктуация белгилари: ундов, сўроқ, кўп нукта, тире, қавс, қўштирноқ, чизикча (дефис), нукта қўймаслик кабиларнинг ишлатилиши бунга мисолдир. ДШни ифодаловчи мазкур белгиларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, улар муаллиф нутқида ҳам, персонаж нутқида ҳам ишлатилади. Тахлиллар шуни кўрсатдики, муаллиф ва персонаж нутқидаги график воситаларнинг ўзига хослиги уларнинг кўп функционаллигидан келиб чиқади.

[18] Юнг К. Структура психики и процесс индивидуализации. – М., 1998. – 220 с.

График воситаларнинг асосий вазифаси (функцияси) акцентуация (урғу бериш, диққатни тортиш), яъни матннинг у ёки бу парчасини ажратиб, бўртириб кўрсатиш, урғу беришдир. Ўз навбатида акцентуация эътиборни жалб этиш, эмоционал таъсир кўрсатиш, тагматн (подтекст) яратиш ва концептуал аҳамиятга эга ахборотни ифодалашга йўналтирилгандир.

Бир ифодада турли график белгиларнинг уйғунлашиши янада кўпрок қизиқиш уйғотади. Бунинг яққол далили сифатида Стерннинг «Tristram» асаридаги «Love» концептининг матний кўринишини келтириш мумкин:

– Love is certainly, at least alphabetically speaking, one of the most
A gitating
B ewitching
C onfounded
D evilish affairs of life – the most
E xtravagant
F utilitous
G allygaskinish
H andy-dandyish
I racundulous (there is no K to it) and
L yrical of all human passions: at the same tome the most
M isgiving
N innyhammering
O bstipating
P ragmatical
S tridulous
R idiculous –…(Sterne «Tristram» p. 434)[19].

Кўриб чиқилаётган концептнинг тақдим этилган мураккаб, кенг камровли концептуал структураси график воситалар конвергенцияси ёрдамида тузилган. Буни курсив, йўғон шрифт, сўз ичида пробел билан ажратилган бош ҳарфлар, тиниш белгиларининг мавжуд эмаслиги, сўзлар ёрдамида графика ёрдамида ажратилган ва алоҳида сатрларни ҳосил қилувчи концептуал белгиларнинг алифбо тартибида берилишида кўриш мумкин. Бу ҳаммаси «илгари суриш» эффектини ҳосил қилади, ўқувчининг диққатини тортади ва матннинг ажратилган қисмлари концептуал аҳамиятга эга эканлигини билдиради.

Персонаж ва муаллиф ДШнинг бошқа вербализатори нохусусий-тўғри нутқдир. У муаллиф ва персонаж нутқининг ўзаро таъсирига асосланган мураккаб тил ҳодисаси бўлиб, асар замиридаги концептуал ахборотни очиб беришга хизмат қилади. НТНнинг табиий характеристикалари: а) икки планлилик; б) стилистик маркирланганлик; в) стилистик гетерогенлик. НТН икки планлилигининг моҳияти шундаки, унда муаллиф ДШ ҳам, персонаж ДШ ҳам ифодаланган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, прагматик максадга кўра, биринчи планга муаллиф ёки персонаж ДШ чиқарилиши мумкин. НТНнинг бошқа бир хусусияти эмотивлик ва образлиликни яратишга йўналтирилган стилистик усуллар конвергенциясида намоён бўлувчи стилистик маркирланганликдир. НТН стилистик маркирланганлигининг ўзига хослиги НТН таркибида турли стилистик сатҳларга

[19] Sterne L. Tristarm Shandy. – University of Pennsylvania Press, 2008. – P.434.

тааллукли лексика, синтактик структураларнинг қўлланилишида намоён бўлувчи стилистик гетерогенликдир.

Тил материали таҳлили шуни кўрсатдики, НТН муаллиф модаллигини ифодалашнинг асосий лисоний воситаларидан биридир. Бунинг ёрқин намунаси муаллиф ҳукмлари, персонаж ДШ, унинг ўй-хаёлларини ифодалаган НТН мисолларига тўлиб-тошган Кетрин Менсфилднинг «Miss Brill» ҳикоясидир. Ҳикоянинг бош қаҳрамони -- ёши ўтган аёл, Мисс Брилл. У келаётган якшанба куни паркка бормоқчи. У эринмасдан тайёргарлик кўрган сайрдан завқ олиш истагида жуда ҳаяжонланмоқда. Қаҳрамоннинг эмоционал ҳолати баёни эмотивликнинг юкори даражасидаги НТН орқали берилган. Бу ҳолат ҳис-ҳаяжон гаплар (*Dear little thing!; Little rogue!; Oh, how sweet it was to see them snap at her again from the red eiderdown!*), муболага (*the blue sky powdered with gold*), эпитет (*brilliantly fine*), қиёс (*great spots of light like white wine splashed over, a faint chill, like a chill from a glass of iced water before you sip*), параллель қурилмалар (*She had taken it out of its box that afternoon, shaken out the moth powder, given it a good brush, and rubbed the life back into the dim little eyes*), такрорлар (*Little rogue; sad, she tried, their*) каби стилистик приёмлар конвергенцияси воситасида ясалади. Бунда персонажнинг ДШ унинг эмоционал ҳолати ифодасида (мафтун бўлиш, ҳаяжонланиш, қандайдир янги бир ҳиссиётни кутиш) кўзга ташланади. Шу каторда НТНнинг стилистик гетерогенлик, имплицитлик ва иккиёқлик хусусияти намоён бўлишини ҳам қайд этиш муҳим. Муаллиф режаси китобий лексика тил бирликлари орқали ифодаланган. Бунга персонаж ички руҳий ҳолатини акс эттирувчи кўпдан-кўп образли ифодалар (*Leaves flutter past the window; down in the avenue a whole newspaper wags in the air like a lost kite and falls, spiked on a pine tree*) шоҳидлик беради. Персонаж нутқининг лексик таркиби НТНда ортиқ даражада диалог ва оғзаки нутққа яқинлаштирилган. Оғзаки нутққа хос узуқ-юлуқ, фрагментар синтактик қурилмалардан фойдаланилган: сўроқ ва ундов гаплар (*What has happened?; What is?; Oh, everything!*), шубҳа-гумон мазмунини ифодалайдиган дарак гаплар (*No – nothing has happened*), инверсия (*Suddenly – dreadfully – she wakes up; Summer is over – it is autumn – everything is ugly*), ундов сўзлар (*Oh*)[20]. Айтилганлардан ташқари, эмотивлик персонажнинг дискурсив шахсиятини очишга хизмат қиладиган ички (руҳий) ҳолатини ойдинлаштирувчи эмотив маркирланган лексиканинг ишлатилганида ҳам намоён бўлади (dreadful, bad, rattling the windows, lost kite, pigtails).

ХУЛОСА

1. Инсон омилини тилда ўрганишни назарда тутувчи антропоцентрик парадигма когнитив тилшунослик, лингвопрагматика, лингвомаданият-шунослик, лингвоконцептология, психолингвитика, социолингвистика сингари йўналишларни ўз ичига бирлаштирувчи макропарадигмадир. Тилни ўрганишга доир антропоцентрик ёндашув фанлараро алоқадорлик ва интеграллик тамойилларига таянади. Бу эса тил ҳодисаларини уларнинг семантик, стилистик, прагматик, когнитив характеристикалари билан узвий

[20] Mansfield C. Short Stories to Read and Discuss. – M.: Менеджер, 1997. – P. 205–223.

алоқадорликда ва ўзаро таъсирда ўрганишни тақозо этади. Инсон томонидан воқеликни англашнинг бадиий шаклларидан бири бўлган бадиий матннинг онтологик моҳиятга эгалиги сабабли бадиий матнни антропоцентризм нуқтаи назаридан ўрганиш шартдир.

2. Бадиий матн таҳлилига антропоцентрик ёндашув бадиий дискурс ва дискурсив шахс терминларининг ишлатилишини тақозо қилди. Бадиий дискурс матнни коммуникацияда, динамик ҳолатда, социомаданий контекстда, лингвистик ва экстралингвистик омиллар таъсирида, лисоний ва нолисоний ахборотда (олам, ҳодисалар ҳақидаги билим, фикр, кадриятлар) кўриб чиқишни назарда тутувчи мураккаб коммуникатив-когнитив ҳодисадир. Санаб ўтилганлар бадиий дискурсни тушуниш, қабул қилиш ва талқин қилишда муҳим рол ўйнайди. Бадиий дискурснинг ўзига хослиги унинг антропоцентриклиги ҳамда муаллиф томонидан моделлаштирилувчи ўзгача оламнинг бадиий манзарасини образли шаклда ифодалай олишидир. Шу маънода бадиий дискурс коммуникациянинг энг мураккаб турларидан бири бўлган бадиий-адабий мулоқотнинг бир тури сифатида намоён бўлади. Унинг субъектлари нафақат муаллиф ва ўқувчи (китобхон), балки персонажлар ҳамдир.

3. ДШ инсоннинг дискурсни яратиш ва ҳис қилинишини тақозо этувчи қобилияти ва характеристикалари йиғиндиси сифатида талқин қилинди. Муаллиф ва персонаж ДШ структураларининг ўзаро фарқланиши: а) муаллиф ва персонаж ДШнинг семантик-стилистик тил мураккаблиги даражасига кўра; б) муаллиф ва персонаж ДШни характерлаш учун коммуникатив-прагматик омилларнинг тил репрезентацияси характерига кўра; в) муаллиф ва персонаж ДШ интеллектининг чуқур акс этишига кўра; г) муаллиф ва персонаж ДШ умуминсоний ва миллий-ўзига хос маданий қадриятларининг ифодаланиш даражасига кўра; д) ДШнинг муайян психологик типига мансуб муаллиф ва персонажнинг психологик, индивидуал - шахсий ўзига хослигига кўра рўй беради.

4. Бадиий дискурс антропоцентризми, энг аввало, муаллиф ва персонаж дискурсив шахсиятида акс этади. Муаллиф модаллиги ва интенционаллигида намоён бўлувчи муаллиф ДШ БДда ишлатиладиган тил воситаларининг бутун бир тизими билан аниқланади. Буни лексик воситаларнинг танланишида, дискурснинг семантик, прагматик ва композицион тузилишида кўриш мумкин. Шу билан бирга, дискурснинг айрим парчалари муаллиф ва персонаж ДШни юқори даражада ойдинлаштиради. Бу эса уларга антропоцентризмнинг вербал маркерлари сифатида қараш имконини беради. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, муаллиф ДШ вербал экспликацияси матннинг қуйидаги парча ва бирликларида намоён бўлади: а) муаллиф мушоҳадалари; б) сарлавҳа ва эпиграфлар; в) лингвоконцептлар; д) тасвирий контекстлар; е) сентенциялар. Персонаж ДШ мураккаблашган тузилишга эга бўлиб, муаллиф ДШга таалуқли бўлган хусусиятларни ўз ичига олади. Персонаж ДШнинг вербал маркерларига қуйидагилар: а) бадиий диалог; б) нохусусий-тўғри нутқ; в) муаллиф модаллиги ифодаси билан характерланувчи ва персонаж образини коммуникатив-прагматик, когнитив, маданий ҳамда психологик аспектларда характерлашга йўналтирилган график воситалар киради.

5. Муаллиф мушоҳадалари алоҳида микроматн бўлиб, мураккаб коммуникатив-когнитив жараён, оламнинг индивидуал манзарасини репрезентациялашга йўналтирилган муаллифнинг модал муносабатини ифодалашга хизмат қилувчи дискурсив шахсни воқелантирувчи вербализатордир. У қуйидаги белгилар билан ажралиб туради: а) структур ва семантик тугал, нисбий мазмуний мустақиллик ва функционал аҳамиятлиликда намоён бўлувчи автосемантиклик; б) муаллифнинг бевосита китобхонга мурожаати деб қаралувчи мақсадли йўналтирилганлик ва адресатнинг ижодий ҳамкорликка қобилияти; в) стилистик воситалар конвергенциясида намоён бўлувчи стилистик маркирланганлик; г) муаллиф концептосферасини ташкил этувчи концептлар қаторини бирлаштирувчи вербаль-менталь конструкция асоси бўлган фрейм структурасига эгалиги; д) концептуал муҳим ахборотни маркирлаётган илгари суриш воситаларидан бири эканлиги; е) дискурсда кучли позицияни эгаллаши; ё) нарратив баённиликнинг бузилиши; ж) инсон ҳаётидаги муҳим маданий қадриятларга нисбатан муаллиф муносабатини ифодаловчи концептуал аҳамиятли ахборот.

6. Сентенция муаллифнинг ҳикматли сўзи бўлиб, у қисқалиги, семантик камрови, рефрейминг ва талқинга мойиллиги билан характерланади. Сентенция олам индивидуал-муаллифлик концептуал манзарасининг муҳим компоненти бўлиб, у биз томонимиздан муайян умуминсоний ва миллий ўзига хос маданий қадриятларни акс эттирувчи концептуал, аксиологик муҳим ахборотни етказиб берувчи маданий модел сифатида кўриб чиқилди. Муаллиф модаллиги ва интенционаллиги нуқтаи назаридан муаллифлик сентенциялари ҳамда уларнинг дистинктив белгиларини таҳлил қилиш муайян хулосалар қилиш имконини берди. Шундай қилиб, сентенциялар: а) қисқалик (кичик шаклдаги матн) ва эксплицит ёки имплицит концептуал белгиларнинг йиғиндисидан иборат тўлиқ ахборотга эга семантик қамров (ҳажм); б) стилистик приёмлар конвергенциясида намоён бўлувчи стилистик маркирланганлик; в) сентенцияларнинг олам ҳақидаги билимлар структурасини етказа олиш, маданий қадриятлар ҳамда оламнинг бадиий манзарасига оид аксиологик муҳим компонентларга урғу бера олиш қобилияти билан шартланган концептуал ва культурологик аҳамиятлилик; г) матнаро ўзаро таъсирдан келиб чиқадиган иккилама референт боғлиқлик билан характерланадиган интертекстуаллик; д) рефрейминг, яъни сентенцияларни бошқа фреймли структурага кўчирилиши, бу уларнинг репрезентация қилиш заруратини вужудга келтиради.

7. Муаллифнинг концептуал олам манзарасини кўрсатишда сарлавҳанинг катта аҳамияти бор. У бутун матн билан мураккаб мазмуний муносабатга киришар экан, унинг мазмуний ва эстетик таркибининг муҳим элементига айланади ва муайян комплекс когнитив структура ва маданий моделни ташкил этади. Сарлавҳа, моҳиятан, қуйидаги белгиларга эга: а) имплицитлик; б) стилистик маркирланганлик; в) рамзийлик; г) концептуал аҳамиятлилик. Имплицитлик характерига кўра сарлавҳа икки типга бўлинади. Улар қуйидагилар билан характерланади: а) декодлаш жараёни бутун матнни таҳлил қилишни талаб этувчи чуқур имплицитлик; б) декодлаш учун фақат матнни билиш етарли бўлмайдиган, бунинг учун тарихий, маданий ва социомаданий

характердаги қўшимча фон билимларини жалб этиш талаб этиладиган яширин имплицитлик. Сарлавҳанинг стилистик маркирланганлиги матнда берилган концептуал ахборотни ўзида жамлаган, биз томонимиздан концептуал структуралар деб ва шунингдек, матн интерпретацияси учун нисбатан аҳамиятли концептуал мазмун ва маданий қадриятларни трансляцияловчи маданий модея деб ҳисобланган кенг спектрдаги стилистик усулларда намоён бўлади. Сарлавҳанинг муҳим хусусиятларидан яна бири унинг рамзийлигидир. У биз томонимиздан муайян билимлар структурасининг уйғунлигини ифодаловчи когнитив аҳамиятли бадиий образ сифатида кўриб чиқилди. Муаллиф модаллиги жиҳатидан сарлавҳанинг образлилик ва амбивалентлилик сингари белгилари анча аҳамиятлидир. Сарлавҳанинг концептуал моҳияти шундаки, у матндаги юксак концептуал бирлик сифатида ўзида қўплаб турли концептуал мазмунларни бирлаштирувчи мазмуний фокусни ифодалашга хизмат қилади.

8. Ўз концептуал аҳамиятига кўра, кўп ҳолатларда ўхшаш характеристикаларга (имплицитлик, стилистик маркирланганлик, концептуал аҳамиятга моликлик) эга бўлган эпиграф сарлавҳага яқин туради. Бирок эпиграф ўзига хос хусусиятларга эга. Структуравий ва семантик жиҳатдан, эпиграф сарлавҳа билан таққосланганда батафсилрок, мантиқий узвий ва тугалланган жумладир. Эпиграфнинг ўзига хос хусусияти унинг интертекстуаллиги, бошка прецедент матн билан ўзаро богликлигидир. Эпиграфнинг бу хусусияти унинг семантик яхлитлигини, узатилаётган маданий маълумотларнинг юқори зичлигини таъминлайди. Интертекстуалликнинг натижаси эпиграфнинг рефрейминг (алтернатив фрейм) ва реинтерпретация (иккинчи талқин) каби хусусиятлари бўлиб, унга қўшимча концептуал маъноларни қўшиш орқали эпиграфнинг семантик яхлитлигини оширади.

9. Бадиий портрет ва табиат тасвирларини ўз ичига олувчи тасвирий контекстлар ҳам муаллиф ДШни қайта намойиш этувчи (репрезентацияловчи) тил воситаларидан бири бўлиб, бу ҳолат унинг субъектив модаллиги ва интенционаллигида намоён бўлади. Улар қуйидаги белгилар билан характерланади: тасвирий контекстлар икки поғонали структурага эга бўлиб, лингвистик (эксплицит) ҳамда концептуал (чуқур, концептуал) даражани ўз ичига олади. Лингвистик ва концептуал даражанинг корреляцияси янги концептуал мазмунларнинг пайдо бўлишига хизмат қилади. Тасвирлаш контекстларининг ўзига хос жиҳатини антропоморфизация, яъни жонли, инсонга хос белгиларни табиат ҳодисалари ва ҳайвонларга кўчириш ташкил этади. Бадиий дискурс антропоморфизация жараёнларининг кенг қўлланилиши билан характерланади, бу эса уларни БДда антропоцентризм тамойилини юзага чиқарувчи релевант воситалар сифатида кўриб чиқиш имконини беради. Шунингдек, тасвирий парчаларнинг ўзига хос хусусияти стилистик ва тасвирий воситаларнинг кенг қўлланилишида намоён бўлувчи стилистик маркирланганлигида ҳам кўринади. Тасвирий контекстларнинг ифодалилиги, эмотивлиги, образлилиги ва баҳоловчилигини белгиловчи стилистик маркирланганлик аломати муаллиф субъектив модаллигини, унинг лингвокреатив тафаккурини ифодалашга хизмат қилади.

10. Муаллиф дискурсив шахсини репрезентациялашнинг нисбатан аҳамиятли шаклларидан бири лингвоконцепт ва унинг бадиий дискурсда амал қилиш хусусиятларидир. Антропоцентризм нуқтаи назаридан лингвоконцепт когнитив-пропозионал қурилма сифатида кўрилиб, субъект, объект, предикат ва атрибут унинг таркибий қисмлари дея ҳисобланади. Концептнинг когнитив-пропозионал қурилмадаги асосий хусусиятлари унинг антропоцентрик эканлиги, бадиий дискурсдаги ўзгарувчан ва очиқлигидир. Бадиий дискурсда концептларнинг антропоцентрик характерга эгалиги уларнинг муаллиф ва қаҳрамон ДШига мослигида намоён бўлади. Концептларнинг динамикаси предикатлар тизими, уларнинг сюжет воқеалари ривожида турлича ўзгаришлар ва эврилишларга учрашиши билан белгиланади. Концептларнинг очиқлиги уларнинг концептуал макони мазмун ва моҳиятини турли янги концептуал белгилар билан бойита олиш имкониятида намоён бўлади

11. Бадиий диалог персонаж дискурсив шахси вербализатори сифатида бадиий дискурснинг парчаси ҳисобланади. У тилда лингвокреативликнинг намоён бўлишидан далолат берувчи семантик-стилистик характеристикаларнинг; мулокотга киришувчилар ўртасидаги ролли ва индивидуал шахсий муносабатлар, ижтимоий, касбий, гендер, ёш, миллий-ирқий характеристикалар нуқтаи назаридан персонажни тасвирлашга йўналтирилган коммуникатив-прагматик ўзига хосликларининг; тил бирликлари концептуаллашуви жараёнини уларнинг персонаж ДШ ички руҳий оламини акс эттирувчи ментал структуралар билан муносабати планида кўриб чиқишни назарда тутувчи лингвокогнитив характеристикаларнинг; персонаж ДШ этник образи, миллий характернинг ўзига хослиги, хулк-атвор стереотипи, миллий тафаккурнинг ўзига хослиги, шахснинг муайян психологик типини белгиловчи лингвопсихологик тавсифларни аниқлаштирувчи лингвомаданий характеристикаларнинг амалга ошишини ифодалайди.

12. БД муаллиф нутқи ва персонаж нутқида қўлланилувчи график воситаларнинг турли-туманлиги билан характерланади (сўз ва гапларнинг курсив билан ажратилиши, бош ҳарфлар билан ёзилиши, сўзларнинг йўғон шрифт билан ажратилиши; сўзлар, боблар, абзацлар орасидаги пробеллар, турли шакллардаги геометрик фигураларнинг, шунингдек пунктуация белгилари: ундов, сўроқ, кўп нуқта, тире, қавс, қўштирноқ, чизиқча (дефис), нуқта қўймаслик кабиларнинг ишлатилиши). График воситаларнинг асосий вазифаси (функцияси) диққатни тортиш, эмоционал таъсир кўрсатиш, подтекст (матн ичида матн)ни яратиш ва концептуал аҳамиятли ахборотни ифодалашга урғу беришдир.

13. Нохусусий-тўғри нутқ муаллиф ва персонаж нутқининг ўзаро таъсирига асосланган мураккаб тил ҳодисаси бўлиб, бир томондан концептуал ахборотни очиб беришга, иккинчи томондан эса муаллиф модаллиги ва интенционаллигини очиб беришга хизмат қилади. НТНнинг табиий характеристикаларидан бири икки планлилигидир. У турлича намоён бўлиши мумкин, яъни прагматик мақсадга кўра биринчи планга муаллиф ёки персонаж ДШ чиқарилиши мумкин. НТНнинг бошқа бир хусусияти стилистик маркирланганлик ҳамда турли услубий регистрлар сентенциясида намоён бўлувчи, адабий ва сўзлашув сатҳлари (пластлари), лексик ва синтактик

бирликлар ўртасида контрастликни юзага келтирувчи стилистик гетерогенликдир.

14. Антропоцентризм ва ДШ комплекс муаммосини истиқболда ўрганиш бўйича қуйидаги йўналишларни қайд қилиш мумкин:

- ДШ вербал маркерларини қиёсий планда бир тизимли ва кўп тизимли тиллар мисолида ўрганиш;
- ДШнинг этнопсихолингвистик тавсифи;
- ДШни бадиий, сиёсий, медиавий дискурсни интерпретациялаш жараёнида таҳлил қилишнинг лингводидактик тамойиллари;
- Антропоцентризмнинг турли типдаги дискурслардаги вербал экспликацияси.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ

НОРМУРОДОВА НОЗЛИЯ ЗАРИЛОВНА

ВЕРБАЛЬНАЯ ЭКСПЛИКАЦИЯ АНТРОПОЦЕНТРИЗМА В АНГЛОЯЗЫЧНОМ ХУДОЖЕСТВЕННОМ ДИСКУРСЕ

10.00.04 – Языки и литература народов Европы, Америки и Австралии

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА НАУК (DSc) ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора наук (DSc) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за 30.06. 2015/B2015.2.Fil347.

Диссертация выполнена в Узбекском государственном университете мировых языков.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.nuu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:	**Ашурова Диляром Умаровна** доктор филологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Сафаров Шахриёр Сафарович** доктор филологических наук, профессор
	Бакоева Мухаббат Каюмовна доктор филологических наук, профессор
	Маслова Валентина Авраамовна доктор филологических наук, профессор
Ведущая организация:	**Ташкентский педагогический университет им.Низами**

